

**Байрамингиз билан, соҳа ходимлари!**

**O'ZBEKISTON**

№61 (410)  
2020 йил 8 август

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

**BUNYODKORI**

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана




UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@umail.uz



## Бунёдкорлик янги марраларни забт этишга чорлайди

Қайси юрт тараққийга юз бурса, ўша юртда ободлик ва бунёдкорлик мамлакатнинг олам узра обрў-эътиборини белгилайдиган жараёнга айланади. Соҳибқирон Амир Темур замонида Мовароуннаҳр – Буюк Туркистоннинг шўхрати бутун оламга таралган эди. Бу даврда мамлакатда илм-фан ва адабиёт равнақ топибгина қолмай, меъморлик ва санъат ҳам ҳадди аълосига етган эди. Халқ тўқ ва фаровон турмуш кечирар, бозорлар арзон ва сероб, йўллар қароқчию ўғрилardan тозаланган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кейинги йилларда мамлакатимиз қурилиш соҳасида янги залворли саҳифалардан ўрин оладиган оламшумул ишлар амалга оширилди. Буни соҳани тубдан ислоҳ қилиш, такомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш, ипотека бозорини ривожлантиришда кўриш мумкин. Охириги уч йилда шу масалалар бўйича Президентимизнинг қирққа яқин қарори қабул қилинди.

Юртбошимиз жорий йил Олий Мажлисга

Мурожаатномасида қурилиш соҳасига алоҳида ургу бериб «Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланди. Бу соҳанинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ис-

лоҳ қилиш зарур. Шунингдек, тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш керак» деган эди.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Қурилиш вазирлиги томонидан соҳа фаолият турларини рақамлаштириш, тендер савдоларини такомиллаштириш, қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини жорий этиш, шаҳарсозлик нормаларини янгилаш, бюрократик тўсиқларни камайитириш, барча босқичларда шаффофликни таъминлаш, инновацион ишланмалар ва илгор ахборот технологияларини кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада даставвал давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатлари ва маълумотларини жамоатчиликка онлайн режимида тақдим этиш имконини берувчи «Ўзбекистон Республикаси давлат шаҳарсозлик кадастри» географик ахборот тизими (геопортал) ишлаб чиқилиб, тест режимида ишга туширилганини таъкидлаш ўринли бўларди.

(Давоми 3-бетда)

**БУГУНГИ СОНДА:**

**«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси: КЕЧА ВА БУГУН**

2



**«Prime Tower group» – истиқболли лойиҳалар муаллифи**



8

**АНОНС**

**АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!**

«O'zbekiston bunyodkori» ijtimoiy-iqtisodiy gazetasining qurilish sohasi xodimlari kuniga baғirlangan maxsus bayram soni 9 avgustda nashrdan chiqishini maълum qilamiz. Uning saҳifalaridan respublikamizda faoлият юritaётган соҳа хodimlarining faoлияти, юrtimizda амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари акс этган мақолалар ўрин олган.

Ўйлаймики, газетамизнинг maxsus bayram sonidan ўрин олган мақолалар сизларга манзур бўлиб, байрам шуқуҳига ҳамоҳанг бўлади.



**OSTEN**

LIFTLAR VA ESKALATORLAR  
ЛИФТЫ И ЭСКАЛАТОРЫ

**Yuqori energiya tejankorlik**  
Высокое энергосбережение

**Sifatli / Качество**  
**Ishonchli / Надежность**  
**Xavfsiz / Безопасность**



+998 95 561 11 11  
+998 99 010 40 00  
+998 99 010 00 92  
www.texnopark.uz

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси:

## КЕЧА ВА БУГУН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида»ги фармониға мувофиқ, мамлакатимизда август ойининг иккинчи якшанба куни қурилиш соҳаси ходимлари касб байрами сифатида кенг нишонлани келинади.

Албатта, қурилиш соҳаси ходимларига бўлган бундай эътироф бежизга эмас. Чунки ўзбек халқига, миллатимизга берилган таърифлар орасида бунёдкор деган сўзни кўп эшитамиз, ишлатамиз. Дарҳақиқат, бунёдкорлик қонимизда бор десак, муболага бўлмайди. Бугунги кун қурилиш жараёни эса сифатли қурилиш маҳсулотларини талаб қилмоқда. Сифат эса рақобат дегани. Шу боис, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги тарихий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга ошириш давр талабидир.

Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Янги уй-жойлар, маданий-маиший объектлар, йирик заводлар, замонавий инфратузилма объектлари қурилмоқда. Табиийки, бундай катта ҳажмдаги ишларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишида қурилиш материаллари бўлган талаб ортиб боради. Шу боис, ушбу йўналишдаги ишларни тўғри йўлга қўйиш, янги турдаги, энергия тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, соҳага инвесторларни кенг жалб қилиш орқали йирик лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунинг натижасида эса соҳада жиддий ўзгаришлар кузатилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 23 майдаги «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш истиқболлари ва стратегиясини белгилаб берди.

Тахлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, айти кунда юртимизда 10 мингдан ортиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда. Утган йилларда 120 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 180 дан ошиб кетди. Соҳа бўйича 2016 йилда 6 триллион 831 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2019 йилда эса ушбу кўрсаткич 16 триллион 841 миллиард сўмга етказилди.

Таъкидлаш жоиз, қурилиш соҳаси, хусусан, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш инвестицияларни кенг жалб этиш орқали маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш, энг муҳими, аҳолини иш билан таъминлаш каби вазифалар амалга оширилмоқда. Шу боис, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасида соҳага инвесторларни кенг жалб қилиш натижасида йирик лойиҳаларни амалиётга таъбиқ этиш, янги қувватларни ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилган. Буни рақамлар орқали ҳам билиш мумкин, жумладан, 2016 йилда соҳага 360 миллион доллар инвестиция жалб қилинган бўлса, ўтган 2019 йилда ушбу кўрсаткич 1 миллиард 332 миллион долларга етказилди. Қувонарлиси, жалб

қилинган инвестициянинг 680,4 миллион доллари хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келади.

Албатта, киритилаётган сармоя туфайли маҳсулотлар сифати оша, нафақат юртимиз, балки хориж бозорларига ҳам кириб бориш имконияти янада кенгайди. Zero, бугунги глобаллашув давридаги талаб ҳам шундай. Ўзбекистон бугунга келиб керамик плиталар, санитар-техник буюмлар, гулқоғоз (обой), қуруқ қурилиш аралашмалари, деворбоп материаллар (пишган гишт), табиий тошдан ясалган пардозбоп плиталар, оҳак, полипропилен қувурлар, дераза ойнаси, фитинглар каби қурилиш материалларини экспорт қилмоқда. Тахлилларга кўра, 2016 йилда 55,3 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган. 2019 йилда эса ушбу даврга нисбатан 2,3 баравар кўп қурилиш материаллари жаҳон бозорига чиқарилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, республикада охириг уч ярим йилда амалга оширилган лойиҳалар натижасида бугунги кунда керамик плитка, гипсокартон, шифер, цемент, оҳак, базальт арматураси, темир-бетон маҳсулотлари, безакли ойна, деворбоп ва нурда материаллари каби асосий турдаги қурилиш материаллари бўйича ички талабни тўлиқ қоплаш ва экспортга сотиш имконига эга бўлган ишлаб чиқариш қувватлари яратилган. Биргина, 2016 йилнинг ўзида умумий қиймати 153,2 миллион доллар бўлган жами 21 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 42 тага етказилди. Худудларда қури-

жорий йилда ўз ишини бошлайди. Эътиборлиси, бу ерда 400 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам 2020-2021 йилларда цемент ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 500 миллион доллар бўлган инвестиция лойиҳалари ишга туширилади. Худудда умумий қуввати 3 миллион тонна бўлган 2 та янги завод фаолияти йўлга қўйилади. Булар Қораўзақ туманидаги «Qaratul Cement Plant» МЧЖ ХК ва Беруний туманида жойлашган «Caris Karakalpak Cement» МЧЖ ХКдир. Айти дамда янги корхоналарни барпо этиш ишлари жадал суръатларда олиб бориляпти.

Шунингдек, Самарқанд («Hengyuan Cement» МЧЖ ҚК, «Мароканд Цемент Инвест» МЧЖ ҚК), Қашқадарё («Қарши Конч Цемент» МЧЖ ХК), Андижон («GRS Building Materials» МЧЖ, «Rash Milk» МЧЖ, «Ишончли Посбон Текстиль»), Наманган («Поп Цемент» МЧЖ, «Namangan Jimgmingyang Materials Buildings» МЧЖ ҚК) ва Фарғона («Jakob Pfeiffer» МЧЖ ҚК, «Shaffof Sement Sanoat» МЧЖ ҚК) вилоятларида ҳам янги цемент заводларини қуриш лойиҳалари амалга оширилляпти.

Бундан ташқари, «Қизилқумцемент» АЖ, «Бекободцемент» АЖ, «Сурхонцементинвест» МЧЖ ҚК ва «Farg'ona Yasin Qurilish Mollari» МЧЖ ҚКларида қўшимча янги қувватлар яратилади. Эътиборли жиҳати шундаки, янги цемент заводлари энергия тежамкор, муқобил энергия манбаида ҳам ишлайдиган, экологияга таъсири кам бўлган технологиялар билан жиҳозланмоқда.

Яна бир жиҳатга эътиборни қаратамиз, кейинги йилларда соҳани ислоҳ қилиш, корхоналар самардорлиги ва салоҳиятини ошириш бўйича кўплай ишлар амалга оширилди. Тармоқдаги ҳар бир корхона фаолияти таъкидлий тахлил қилиниб, маҳсулотлар сифатини ошириш, энергия тежамкор, инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳисобига маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Корхоналарда «рақамли технологиялар»ни қўллаш, инсон ҳаёти учун хавфли жараёнларда автоматизация даражасида оширилди. Қурилиш материаллари соҳасида янги йўналишларни ривожлантириш, бунга хорижий инвесторларни кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Етакчи хорижий давлатлар қурилиш соҳасининг ривожланиш тенденциясидан келиб чиқиб, янги қурилиш материалларини ўзлаштириш ва соҳага инновацияни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йилдан-йилга қурилиш материалларига бўлган талабнинг ортиб боришини инобатга олиб, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси 2021 йилга ҳам аниқ режалар ишлаб чиқарди. Унга кўра, жорий йилда архитектура-қурилиш ойнасини 23 миллион кв.м, цементни 14,5 миллион тонна, керамик плиткани 32 миллион кв.м, санитар-техник буюмларни 650 минг дона, иссиқлик изоляцияси материалларини 67 минг тонна, гулқоғозни (обойларни) 2,6 миллион ўрам, газобетон блокларини 1 миллион куб метрга етказиш режалаштирилган.

Жорий йилда мамлакатимизда шу кунгача ишлаб чиқарилмаган – газобетон блоклари, обой, керамогранит, куйма пол, 600 маркали цемент, геосетка, пеноблок, шиша кристаллит, композит қурилиш материаллари ва ДСП ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Лекин бу билан тўхтаб қолиш керак эмас, юртимизнинг «драйвер» соҳаларидан бири бўлган қурилиш материаллари саноати соҳасининг бугунги кундаги тенденциялари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни ҳам сезиларли эканлигидан далolat беради. Шу боис, мазкур йўналишдаги изланиш ва ривожланиш жараёнларини давомий тарзда амалга ошириш ҳам катта вазифа, ҳам катта масъулият талаб этади.

Муҳтасар айтганда, бунёдкорлик касбини ота-боболаримиз азалдан улуғлаб келган. Бугун дунёни лол қолдирган ва асрлар оша ўзининг сиру тароватини намоен этаётган тарихий обидаларнинг бунёд этилишида ҳам шундай қўли гул уста қурувчилар меҳнати билан боғлиқдир. Шундай экан, бугун ана шундай улуғ касбни ардоқлаб, она заминимизда осмонўпар бинолар ва турар жойларни барпо этаётган бунёдкорларимизни касб байрамлари билан қўтлаймиш. Уларга хотиржамлик ва ишларига ривож тилаймиш.

Улуғбек АБРАЕВ,  
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари.  
У.А.

Сўнгги йилларда юртимизда қурилиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли бугун мазкур индустрия миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим тармоқлардан бирига айланди.

## Обод бўлаётган масканлар

Республикамизнинг йирик саноат зонаси бўлган Навоий вилоятининг олис чўл худудларидан тортиб шаҳар марказларигача шаҳарсозлик нормалардан асосида мисли қурилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Аҳоли пунктларини қуришда комплекс ёндашув асосида уй-жой, турли бино ва иншоотлар билан бирга ижтимоий инфратузилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохбачалари, таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, янги истироҳат боғлари ва хиёбонлар, фавворалар, болалар майдончалари ҳамда спорт масканлари бунёд этилаётган аҳоли турмуш тарзини юксалтирмоқда.

Азалдан кишилар цивилизация тараққий этган, ривожланиш илгор бораётган шаҳарларга кўчиб бориб яшагга интилади. Мустақилликдан олдин бир ҳовучдек кўринган Навоий шаҳри бугунга келиб ҳаққоний бунёдкорлик марказига айланди, аҳоли сони ортиб бориши натижасида яшаш масканларига бўлган эҳтиж ҳам ортди. Натижада янги ерларни ўзлаштириш, шаҳарга туташган чўл худудларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига шаҳар ичра шаҳарчалар қурила бошлади.

Ўтган қисқа даврда тикланган «Умид», «Ёшлик» қўрғонлари шаҳарнинг гултожисига айланши эҳтимоли бундан йигирма йил аввал ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Тошлоқ ерлар ўрнига Навоий, Торобий кўчалари пайдо бўлди ва у ерларда спорт майдонлари, сузиш ҳавзаси, аквапарк, муҳташам Навоий боғи, ёшлар учун Коворкинг маркази, Матбуот уйи, Кураш мактаби, футбол майдончалари, осмонўпар иншоотлар, янги уй-жойлар буй кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 августдаги 688-сонли қарорига белгиланганидек, маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий футбол майдонларини ташкил этиш бўйича «Ҳар бир маҳаллада футбол майдони» дастури бўйича бир қатор маҳаллаларда футбол майдончалари бунёд этилиб, ёшларнинг буш вақтлари мазмунли ўтиши таъминланди. Қолаверса, «Навоий шаҳар 10-сон қурилиш-монтаж бошқармаси», «Навоий Тинч Текстиль», «Zarafshan Golden Group», «Навоий шаҳар 151-сонли қурилиш-монтаж поезди» масъулияти чекланган жамиятлари каби бир қатор хусусий корхоналар томонидан тикланаётган аҳоли яшаш объектлари ҳар йили минглаб кишиларнинг уй-жойга бўлган эҳтижини қаноатлантириб келмоқда.

«Одам борса оёғи, қуш учса қаноти куйди» дея талқин қилинган вилоят марказида 500 километр оқликдаги Томди, Учқудуқ чўллари бугун бунёдкорлик марказларига айланган. Йил сайин бу ерларга янги инфратузилма кириб бориб, чекка овуллардаги замонавий мактаб бинолари, мусика ва спорт иншоотлари, тиббиёт масканлари, дорихоналари ва савдо нуқталари аҳолига баҳоли қудрат хизмат кўрсатиб келмоқда. Бепоеён Қизилқум бағридаги қончилар манзилида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, янгилинилар турман аҳли қатори, Шимолий кон бошқармаси бўлимида фидокорона меҳнат қилаётган ўн мингдан ортиқ меҳнатқашлар қалбига ҳам чексиз қувонч улашмоқда.

Зарафшон қурилиш бошқармаси моҳир қурувчилари, Шимолий кон бошқармаси ишчи-хизматчилари томонидан 2019 йилда Учқудуқ тумани марказида бўш турган майдонда 10 гектарлик қўл ҳамда замонавий дам олиш худуди барпо этилди. Айниқса, дам олиш масканида ҳордик чиқарувчилар учун яратилган шароитлар – чўмилиш ҳавзаси, мусикий фавворалар, қайиқ, катамаранлар, скейтборд ва роликда учиш, волейбол, футбол ва теннис майдончалари, турли хизмат кўрсатиш шохбачалари, яшил йўлақлар, ўриндиқлар, соябонлар, шунингдек, Шимолий кон бошқармасининг таъмирлаш-механика цехи томонидан яратилган «Қора тулпор» от-арава дам олиш худуди янада кўрк бағишлади. Саҳро бағридаги бу яшил бўстон, зилол сув ҳавзаси ёзининг чилласида аҳолининг сеvimли маскани бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилда Навоий вилоятида 2020 йилги Инвестиция дастурига кўра 726 хонадонга мўлжалланган уй-жойлар қурилиши белгилаб берилган бўлса, шундан 48 таси Учқудуқ туманида, 168 таси эса Зарафшон шаҳрида тикланиши режалаштирилган. «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан бунёд этилаётган бу иншоотларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Йил якунида бу уйлар ўз эгаларига топширилиши кўзда тутилган.

Вилоятда ўтган 2019 йилда барча дастурлар доирасида 40 та умумтаълим мактаби, 71 та мактабгача таълим

ташкilotи, 19 та тиббиёт муассасаси, 25 та маҳалла гузары, 787,9 километр автомобиль йўллари, 82,4 километр табиий газ тармоқлари, 513,1 километр электр тармоқлари, 2 132 та уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, жорий йил Инвестиция дастурига 73 та объект киритилган бўлиб, улардан 7 та мактаб биноси, 10 та тиббиёт, 11 та мактабгача таълим ташкilotи, 1 та олий таълим, 2 та спорт, 7 та йўл, 10 та сув, 11 та ирригация ва мелиорация, 14 та бошқа объектларда қурилиш ишлари 50 фоизга бажарилди. Жумладан, Хатирчи, Нурота, Учқудуқ, Қизилтепа тумани ДСЭОМ вакциналарни сақлаш омборлари янгидан қуриб фойдаланишга топширилди. Навоий шаҳрида қад ростлаётган 110 кишилик тери-таносил касалликларни диспансери ҳамда 210 қатновга мўлжалланган Навоий шаҳар 3-сонли оилавий поликлиникасида қурилиш ишлари якунлини арафасида.

Маълумки, аҳоли саломатлиги омилларидан бири тоза ичимлик суви истеъмолдир. Шу маънода бугунги пандемия ҳужм сураётган мураккаб жараёнларда аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашни қучайтириш, тоза ичимлик сувиға бўлган эҳтижни қаноатлантириш, чекка худудлар аҳолисини ичишга ярқоли шаффоф сув билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг Инвестиция дастури бўйича вилоятда жами 10 та ичимлик ва оқова сув тармоқларининг 2 таси янгидан қурилиши, қолган 8 таси реконструкция қилиниши белгиланиб, уларда қурилиш-монтаж ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. Бугунга қадар вилоятнинг 43 050 нафар аҳолиси 65 фоизга тоза ичимлик суви билан таъминланди, яъни таъминланганлик даражаси йил бошига нисбатан 4 фоизга ошди. Йил якуни билан ушбу объектларда 165,9 километр тармоқ тортилиб 12 та аҳоли яшаш пунктларидаги 50 232 нафар аҳоли қўшимча равишда марказлашган ичимлик суви билан таъминланиб, вилоят аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 69 фоизга етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-5886-сон қарорига асосан Навоий вилояти бўйича қишлоқ жойларда қурилаётган арзон уй-жойлар 300 тани ташкил этади. Шундан 240 таси аҳоли учун, 60 таси мудофаа, ички ишлар ва Миллий гвардия ҳодимлари учун қурилмоқда. Ушбу уйларнинг уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга, Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардия хизматчиларига, ички ишлар органлари ҳодимларига имтиёзли тарзда берилётгани аҳамиятлидир. Ана шундай уйларнинг 756 таси ўтган йилда ўз эгаларига топширилди. Жорий йилда ана шундай бахтли онлар яна 300 оилага қувонч, ҳаётдан манмунолик ҳисларини олиб келади.

Албатта, янги уй тиклашнинг ўзига хос тартиб-тамоиллари, қоидалари бор. Ҳар бир иш бораётган иморатларда қурилиш-монтаж ишлари қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси инспекторлари томонидан доимий назоратга олинган. Бугун аҳоли кўчиб қираётган янги уйларнинг пишиқ-пухта материаллардан маромига етиб тикланиши муҳим аҳамият касб этади. Инспекция томонидан қурилиш-монтаж ишлари бошланган объектларда буйруқ асосида бириктирилган инспекторлар томонидан доимий назорат ўрнатилган бўлиб, улар карантин даврида объектларда қурилиш-монтаж ишларини сифат назоратини ва карантин ҳамда санитария талабларига риоя қилган ҳолда олиб бориш бўйича буюртмачи ва пудратчи ташкilotларга тавсиялар бериб бормасин!

Қаршимизда яна бир файзли кун – касб байрамимизни нишонлаш арафасида турибмиш. Қилаётган меҳнатингиз жамиятга фойда келтирса, бундан олми ҳақ бўлмаса керак. Вилоятимизда бунёд этилган бино ва иншоотлар, аввало, халқимиз манфаати ва фаровон яшаш, юртимиз тараққиётига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Фаолиятимиз давомида кўплай бино-иншоотлар қурилишида иштирок этдик. Ҳозир ўша худудларда қад ростлаган биноларда яшаётган оилаларни, ўйнаб юрган болаларни кўриш барча ҳамкасбларга улкан завқ бағишлаши шубҳасиз. Халқ манфаати учун олиб борилаётган машаққатли меҳнатингиз йўлида ҳеч қачон толманг, азиз ҳамкасблар. Касб байрами барчага мурабоб бўлсин!

Омон МИНГЛИЕВ,  
Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи.

## Янги шифохона биноси қад кўтармоқда

Юртимизнинг барча гўшалари каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бир қатор ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.



Айти кунларда Нукус тумани марказида янги шифохона биноси қад кўтармоқда. Ҳозирги пандемия даврида «Қарақалпақстроймониторинг» МЧЖ томонидан қурилиш ишларининг тўртинчи босқичи давом этаётган бу лойиҳанин замонавий

тиббий дастгоҳлар билан жиҳозланадиган 3 қаватли биносида қурилиш монтаж ишлари давом этмоқда. Лойиҳанин умумий қиймати 12 миллион 665 млн сўмлик ташкил этади.

Мазкур давлолаш муассасаси 130 ўринга мўлжалланган бўлиб, 4 та

блокдан иборат махсус шифохона ҳисобланади. Муассасанин 1-блогида қабул бўлими, 2-блогида лаборатория, жарроҳлик зали, жонлантириш бўлими, 3-блокда туғруқ бўлими, 4-блогида болалар ва терапия бўлими билан жойлаштириш назарда тутилган.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, ҳозирда қурилиш жараёнлари калькулятори ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, калькуляторда юртдошларимиз томонидан қурилиш режалаштирилган ҳар қандай иншоотларнинг қурилиши ва у билан боғлиқ ишлар учун қайси жараёнлардан ўтилиши аниқ кўрсатилади. Бу ҳам аҳоли ва тадбиркорларни кўллаб-қувватлаган ҳолда уларга шаффоф, аниқ тизим орқали кўмак бериш дегани. Соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилиб, «Шаффоф қурилиш» ахборот тизими ишга тушиб, бу коррупция, ортиқча вақт ва бюрократик тўсиқларнинг олди олинишига замин яратди.

Бир сўз билан айтганда, соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси мамлакатимиз қурилиш соҳасининг янада ривожланиши, жаҳон стандартлари асосида фаолият юритишига, пировардида халқимиз талаб ва истакларини шаффоф кўринишда, тез фурсатларда ечим топишни таъминлашга кўмак беради.

Соҳани ривожлантириш баробарида республикамизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, унда жонбозлик кўрсатаётган қурувчи-муҳандислар, лойиҳачилар меҳнати ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Албатта, бунёдкорлик ишлари хусусида сўз юритганда, юртдошларимиз шуруига Президентимиз ташаббуси билан юртимиз ҳудудлари ва айниқса, пойтахтимизнинг янги қиёфасини яратишга қаратилган бир қатор лойиҳалар келиши мумкин. Тошкентдаги Ислоом цивилизацияси маркази, «Tashkent City» халқаро ишбилармонлик маркази, Адиллар хиёбони, Ғалаба боғи, Тошкент ер усти метроси, Тошкент метросининг янги йўналишлари, ҳудудларда бунёд этилаётган Президент мактаблари, йўллар, замонавий кўприклар, туризм, таълим ва тиббиёт муассасалари объектилари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Келинг, жорий йилнинг ўзида фойдаланишга топширилган ва бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётган объектиларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтсак.

Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушида ғалабани таъминлашга улкан ҳисса қўшган. Лекин бу жасоратни бор кўлами билан кўрсатиб берадиган яхлит мажмуа йўқ эди. Ўтган йили Президентимиз улкан боғ барпо этиб, халқимиз қаҳрамонлигини абадийлаштириш ташаббусини илгари сурган эди. Шунга мувофиқ Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги ПҚ-4495-сонли қарори қабул қилиниб, илмий-ижодий жамоатчиликнинг тақлифлари, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида Ғалаба боғини яратиш бўйича бадий-меъморий концепция ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу борадаги лойиҳалар билан бир неча бор танишди. Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 12 гектардан зиёд жой ажратилиб, улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ғалаба боғини яратиш бўйича концепцияда унинг умумий кўриниши, меъморий тузилиши миллий аъналаримизга мос бўлиши ҳамда мемориал ёдгорликлар яратиш бўйича жаҳондаги илғор тажрибаларни ўзида мужассам этиш, унинг марказида беш ўғли урушда мардларча ҳалок бўлган Зулфия Зокирова ва унинг садақатли келинлари сиймосида Ўзбек оиласининг умумлашган образини акс эттирадиган «Матонат мадҳияси» деб номланган ёдгорлик мажмуасини юксак ғоявий-бадий савияда яратиш учун энг истеъдодли ва маҳоратли ижодкорлар, меъмор ва мутахассислар жалб этилди.

Ғалаба боғидаги ҳар бир объект ва қурилма, музей экспонатлари орқали халқимиз, айниқса, ёшларни урушнинг даҳшатли оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка, бугунги тинч ва осуда ҳаёт, мустақилликнинг қадрига етишга, доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, Ватан ҳимоясига тайёр туриш руҳида тарбиялашга устувор аҳамият берилди. Боғда аҳолининг тарих билан ҳамнафас бўлиб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, мазмуни дам олиш, оммавий маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш учун барча шароитлар яратилди.

Ғалаба боғида аҳолининг тарих билан ҳамнафас бўлиб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, мазмуни дам олиш, оммавий маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш учун барча шароитлар яратилди. Мазкур боғ Ватанга садақат, ўз ҳаётини тинчлик ва озоқлик учун фидо қилган инсонларнинг ўлмас жасорати ва ёрқин хотираси олдидаги юксак ҳурмат-эҳтиромнинг амалий намунаси бўлиб қолиши муқаррар.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 ноябрдаги қарорига мувофиқ репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга тиббий ёрдам сифати оширилиб, кўлами кенгайтирилмоқда. Ана шу қарор ижросини таъминлаш мақсадида пойтахтимизнинг Чилонзор туманида фойдаланишга топширилган Иккинчи перинатал маркази фойдаланишга топширилди. Марказ биноси инновацион қурилиш материаллари асосида сифатли ва энергиятежамкор қилиб барпо этилгани билан таҳсинга сазовор. Шошилинч тиббий ёрдам ҳолатлари учун барча қулайликлар инobatга олинган. Бу эса аҳолига давлат даражасида кўрсатилаётган беқийёс ғамхўрликнинг ифодасидир.

Тошкентнинг Яшнобод туманида Болалар миллий тиббиёт маркази барпо этилди. Лойиҳа қиймати 130 миллион доллардан зиёд бўлган мазкур марказ Корея Республикаси кўмагида, «Баум» корпорацияси лойиҳаси асосида барпо этилди. Бу юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатишга ихтисослашган Марказий Осиёда ягона ушбу турдаги болалар тиббиёт муассасасидир. Бу ерда йилга 1,5 мингдан

зиёд ноёб жарроҳлик амалиётларини бажариш имконияти мавжуд.

Тўрт қаватли даволаш корпуси 280 ўринга эга, поликлиника кўнага 250 нафаргача бемор қабул қилади. Марказ магнит резонанс томографи, мультиспирал компьютер томографи, ДНК анализатори ҳамда онкологик касалликларни барвақт аниқлайдиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

«Бу марказ – миллий бойлигимиз. Бу ерда болаларни малакали даволаш билан бирга замонавий телемедицина технологиялари асосида мамлакатимиз худудларида ҳам юқори сифатли тиббий хизматларни йўлга қўйиш керак» деганди марказни кўздан кечирган Президентимиз.

2017 йил 3 февраль куни Президентимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташрифи чоғида ушбу ҳудудда Адиллар хиёбонини яратиш борасида тақлиф берган эди. Уша йили 18 апрелда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилиниб, хиёбоннинг меъморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг май охиригача бу ерда кенг

поғонадан иборат бўлиб, туннель узунлиги 593 метр, ҳалқа шаклидаги ўрта поғона 29 метр, эстакада қисми 502 метрни ташкил этади. Туннель ва эстакадада қатнов олти, ўрта поғонада эса беш қаторли. Илгари бу чорраха соатида 7 минг автомашинани ўтказиш қувватига эга эди. Энди соатида 20 мингта транспорт воситасини узлуксиз ўтказиш имконияти пайдо бўлди. Бу ерда светофор ишлатилмаслиги ҳам тўхтовсиз ҳаракатни таъминлайди. Яна бир жиҳати, янги объект катта юкларни ўзига олиб, «Тошкент – Чимён» йўналиши бўйича масофани 22 километрга қисқартирди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, замонавий турар жойларни қуриш борасида Андижон вилоятини намуна сифатида келтириш мумкин. Жорий йилда Андижон вилоятида 6 196 та – ўтган йилгига нисбатан 2 баробар кўп уй қурилмоқда. Жумладан, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ буюртмаси асосида 5 қаватли 45 та, «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК МЧЖ буюртмасига кўра Андижон шаҳрида 16 қаватли 4 та арзон уйлар қурилмоқда. Андижон вилояти аҳолиси мамлакатимиз нufусининг 10 фоизини, худуди эса бор-йўғи 1 фоизини ташкил этади.

Жорий йилда урбанизация талаблари ва инфратузилма мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир туманда иккитадан замонавий қишлоқ қуриш лойиҳаси Андижондан бошланади. «Замонавий қишлоқ» – кўп қаватли уйлар қуриладиган, инфратузилма объектилари мавжуд аҳоли учун барча шароит яратилган масканлар бўлади. «Замонавий қишлоқ» лойиҳаси бўйича қурилган уй-жойлар бошқа дастурлар доирасида барпо этилган уй-жойлардан бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради.

Кейинги уч йилда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами аҳоли 276 минг нафардан ошди. Бунинг натижасида, табиийки, инфратузилма тармоқларига юклама ҳам ортди. Шу боис, бу ерда кўшимча муҳандислик объектилари, тумани шаҳарнинг марказий қисми билан боғловчи йўл ва кўприклар қурилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан қиймати 83 миллион АҚШ доллари бўлган 7 километр узунликдаги Сергели ер усти метроси ва унинг «Чоштёпа», «Тошкент ҳалқа йўли», «Сергели», «Афросиёб»,

йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналиши ривожлантирилишини айтган эди. Жорий йилда математика фани ана шулардан бири сифатида белгиланди. Бу халқимизни ҳам, илмий жамоатчиликни ҳам ғоят қувонтирди. Чунки математика юртимизда чуқур тарихий асосга эга ва бугунги кунда тараққиёт учун ғоят долзарб.

2019 йилда мазкур фанни ривожлантириш бўйича муҳим қадам ташланган эди. 9 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Математика институтига қатор имтиёзлар берилди, жумладан, замонавий бино билан таъминлаш белгиланди. Чунки институт шу пайтгача эски, таъмирталаб бинода иш юритиб келаётган эди. Математикларга замонавий шароитлар яратиш мақсадида Олмазор туманидаги Талабалар шаҳарчасида янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Янги иморатда 7 та илмий лаборатория ва «Еш математиклар» маркази фаолият юритади. Бинонинг шинам қаватларида ахборот-ресурс маркази ва семинар хоналари, академик ва тадқиқотчилар учун кабинетлар, кутубхона, мажлислар зали, ошхона жойлашган. Хоналар энг илғор техника ва ускуналар билан жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари бу бир соҳага – аҳолининг уй-жой билан таъминлини, саломатлиги, маънавият-маърифат, фан, таълимга хизмат қилувчи, халқимизга қулайлик яратувчи иншоотларни барпо этишга катта эътибор қаратиб келмоқда. Ўтган 3 йил ичида йўналишлар бўйича мамлакатимиз бўйича фойдаланишга топширилган бино-иншоотларнинг ҳар бирига тўхталиб ўтишнинг имкони йўқ. Шу сабабли биз бир нечта мисолларни келтирдик холос.

Бунёдкорлик борасида сўз юритганда албатта, жорий йилда Бухоро вилоятидаги табиий офат, Сардоба сув омборида юзага келган талафот хусусида тўхталиб ўтиш зарур. Табиий офат ва сув тошқини зарарларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларда халқимизнинг бирдамлиги яққол намоён бўлди. Бунда мамлакатимиз қурувчилари кўрсатаётган азму шижоат ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Сардоба сув омбори дамба-басида юзага келган сув тошқини оқибатида зарар кўрган минглаб хонадонлар яқин дамларда қайта қурилиб ва таъмирланиб, улар ўрнида замонавий кўринишдаги ўзгача кўркак эга уй-жойлар қад ростлади. Мазкур хайрли ташаббусдан ҳеч ким четда қолгани йўқ. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар қурувчилари бир ёқадан бош чиқариб, жонбозлик кўрсатишаётгани эътирофга эга.

Дунёни коронавирус пандемияси таҳлилга солиб турган бир паллада қурилиш объектиларидаги ишлар бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Эътиборли томони шуки, қисқа мuddатлар ичида қурувчиларимиз томонидан пандемия сабабли эълон қилинган карантин даврида Тошкент вилоятининг Уртачирчиқ туманида ва бир қатор вилоятларда махсус карантин ҳудудлари, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида 4 минг ўринли, шунингдек, вилоятларда бир неча кўп тармоқли махсус шифохоналар барпо этилди. Зангиота туманидаги махсус шифохона лойиҳасининг умумий қиймати 504 миллиард сўм бўлиб, 33 гектарда 2 та комплекс қурилди. Мазкур шифохона мураккаб эпидемиологик вазиятда юқумли касалликлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, барча санитария-эпидемиологик талабларга жавоб беришчи махсус муассаса бўлиб хизмат қилиб, эпидемиологик вазият барқарорлашгандан сўнг келгусида кўп тармоқли тиббиёт клиникаси сифатида фаолият юритади. Коронавирус пандемияси бутун дунёга тарқалиб, инсонлар ҳаётига катта хавф ўтқурган бир паллада мамлакатимизда ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар, халқимизнинг чуқур тушуниши ва сабр-тоқати билан бу офат жоловланиб, оммавий ёйилиб кетишининг олди олинди. Қисқа фурсатларда даволаш-профилактика муассасалари ва карантин зоналари қурилгани эса бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда ниҳоятда кенг кўламда амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнларини бир-бирига мувофиқлаштириб боришга ҳар жиҳатдан алоҳида эътибор қаратмоқда. Бинобарин, ҳар бир йил қурилишга давлат раҳбарининг эътибори ва назорати бунёдкорлик жараёнларидаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш билан бирга барча раҳбарлик бўғинларида ишчанлик муҳитини яратмоқда, халқимизни ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаш учун зарур шароитларни муҳайё этаётди, ёшларни мамлакат истиқболига маъсуллик руҳида камол топтириш борасида барчанинг зиммасидаги маъсулиятни, ҳушёрликни оширмоқда.

Биргина мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган барча ишларни ҳам қилиш бироз мушкул. Зеро, бу кутлуғ жараён, шубҳасиз, катта самара бермоқда, юртимиз қиёфасида, шаҳар ва қишлоқларимиз жамолида, миллий металлургияда ёрқин из қолдирмоқда. Байрам арафасида истаъимизни йўқми, кўлга киритилган ютуқлар ҳақида тўхталиш одат тусига кирган. Бугунги ютуқлар эса эртага ўз самарасини бериши муқаррар. Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишни эса даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Ишларимизни бир сарҳисоб қилсак ҳам, хулоса чиқаришга оширмақчимиз. Ҳали олдинда қиладиган ишлар жуда кўп. Диёримизда амалга оширилаётган, мислсиз ислохотларнинг барчаси келажақ учун эканини англаш мушкул эмас. Бундай яратувчилик, бунёдкорлик руҳи янги марраларни забт этишга чорлайди.

Дилшод ЖАЛОЛОВ.

# Бунёдкорлик янги марраларни забт этишга чорлайди



кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, 8 гектардан зиёд майдонда Адиллар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилди. Адиллар хиёбонини ғоявий-бадий жиҳатдан янада бойитиш мақсадида Бобур, Огаҳий, Бердақ, Муқимий, Фурқат, Бехбудий, Авлоний, Чўлпон, Қодирий, Т. Қайипбергенов, И. Юсупов, А. Файнберг сингари атоқли намоёндалар хотирасига бағишланган янги ёдгорлик мажмуалари ҳам яратилди.

Ҳазрат Навоий бобомизнинг муҳташам ҳайкали атрофида 20 дан зиёд атоқли шоир ва адилларнинг ҳайкаллари яхлит меъморий ва бадий композицияда, мантқиқий ечим асосида жойлаштирилди. Шу ерда Езувчилар уюшмаси учун бино барпо этилгани ҳам ҳамоҳанглик касб этди.

Кейинги уч йилда Тошкент шаҳрида энгил автомобиллар сони 95 минггага кўпайган. Худудлардан пойтахтга келиб-кетиётган машиналар сони ҳам ошмоқда. Шу боис, кўчаларнинг ўтказувчанлигини ошириш, тирбандликларни камайитиш мақсадида ўтган 3 йилда 4 та йўл ўтказгич қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Охангарон шоссеси Тошкент ҳалқа йўлининг бир қисми. Маҳтумқули кўчасининг янги қисми битказилгач, ушбу йўлларда транспорт ҳаракати янада ортган эди. Мазкур кўчалар кесимасида 2018 йилда бошланган лойиҳа бу йил рўёбга чиқиб, ҳайдовчиларга жуда катта қулайлик яратди. Мазкур транспорт ечими уч

Шу боис, шаҳар яқинидаги адир жойларда кўп қаватли уйлар қуриш орқали аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини қондириш чоралари кўрилмоқда. Хўжаобод туманининг Иттифок массивида 35 та уй қурилиши амалга оширилаётган бўлиб, улар Андижон шаҳри, Андижон, Хўжаобод, Булоқбоси ва Жалақудуқ туманларидаги уй-жойга муҳтож оилаларга берилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бундан роппа-роса икки йил муқаддам – 2018 йил 20 май куни Андижон шаҳрида қад ростлаётган янги уй-жойларни кўрган эди. Мазкур ҳудудда бу масала долзарб эканини инобатга олиб, кўшимча турар жойлар қуриш бўйича тақрирлар берган эди. Шу асосида шаҳарда жами 1 798 хонадондан иборат 41 та кўп қаватли уй барпо этилди. Жумладан, бунёд этилаётган янги мавзеда ўтган йили йигирмата 7 қаватли, иккита 16 қаватли уй қуриб битказилди. Шу тариқа атиги уч йилда бу ерда илғор шаҳарсозлик андозаларига мос йирик мавзе пайдо бўлди. «Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компанияси буюртмаси асосида «Хоқон Автоинвест» МЧЖ томонидан қурилган 16 қаватли уйлар Андижон шаҳри учун намуна бўлди. Лойиҳа қиймати 46,6 миллиард сўм бўлган уйлар Туркия технологияси асосида, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда яхлит темир-бетондан зилзилага бардошли қилиб қурилган. Бинонинг ташқи деворлари базальт материали билан қопланган.

«Қипчоқ», «Чинор» бекатлари барпо этилмоқда.

Албатта, бу йўловчиларга катта қулайлик яратди. Лекин, шу билан бирга, автотранспорт ҳаракатини ҳам инобатга олиш зарур. Давлатимиз раҳбари бу масалага доимий эътибор қаратиб келмоқда. Берилган тақрирлар асосида Тошкент шаҳар қўқимлиги билан Туркиянинг «Kaloyn» компанияси ҳамкорлигида умумий қиймати 20 миллиард сўмдан зиёд бўлган Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, Чўпонота кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесимасида 583 метрлик йўл ўтказгич барпо этилиб, бу чорраҳадан Тошкент ҳалқа йўлигача янги кўча қурилади ва ҳалқа йўли остидан туннель орқали ўтказилади ҳамда тумандаги Қипчоқ кўчасида қурилаётган янги кўприкка туташади. Жами 5,6 километрлик бу йўл соатида 3 минг транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади.

Маълумки, ҳозирги кунда Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетиладиган автомобиллар асосан битта йўл – Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланади. Шу боис, унда қатнов жуда кўп, юклама катта. Ушбу янги йўл ва кўприклар қурилиши натижасида Сергели туманига транспорт қатнови тирбандлиги 50 фоизга, транспорт ҳаракати вақти 20-25 минутга камайд.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиса шу йил январь ойидаги Мурожаатномасида ҳар

Юртимиз ободлиги йўлида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган барча қурувчи ва меъморларни, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунин билан самимий муборакбод этади. Юртимиз равнақи йўлидаги эзгу ва шарафли меҳнатларида куч-қувват, улкан зафарлар тилаймиз!

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**  
қурилиш соҳасида ҳудудий  
назорат инспекцияси жамоаси

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**  
қурилиш соҳасида ҳудудий  
назорат инспекцияси жамоаси

юртимиз ободлиги, тараққиёти, халқимиз турмуши фаровонлиги йўлида ўзларининг муносиб улушларини қўшаётган мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларини касб байрамлари билан қутлайди.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, қилаётган меҳнатингиз роҳатини кўриб юришингизни тилаймиз, азиз бунёдкорлар!

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси



*Барча қурувчиларни, лойиҳачи  
ва меъморларни август ойининг иккинчи  
якшанбасида нишонланадиган  
**Ўзбекистон Республикаси**  
қурилиш соҳаси ходимлари кўни  
билан муқобракбод этади.  
Сизларга сиҳат-саломатлик, омижаноб  
фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда  
омад ва зафарлар, оилангизга  
бахт-саодат, файзу барака тилаймиз!*

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

**мамлакатимиз қурилиш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшаётган,  
янги лойиҳалари билан шаҳарлар кўркига кўрк қўшаётган лойиҳачиларни,  
юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнларида  
иштирок этаётган қурувчиларни, шу соҳага тааллуқли идораларда  
меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларни касб байрамлари билан табриклайди.  
Барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли меҳнатларингизда  
куч-қувват тилаймиз.**



## ҲАЛОЛ МЕҲНАТ – ҲУЗУР-ҲАЛОВАТ ГАРОВИ

Бунёдкорлик халқимизга хос эзгу фазилат. Азал-азалдан бино ва иншоотларни барпо этиб, йўллару кўприкларнинг қурилишига ҳисса қўшган инсонлар, халқнинг оғирини енгил, узоғини яқин этган саховатпешалар сифатида дуою эъзозга сазовор бўлганлар. Шу сабаб балки, бунёдкорлик иши анчайин мураккаб бўлишига қарамай, унинг соҳиблари элда азиз, кўпчилик орасида ҳурматга сазовор.



Айниқса, қурувчи аёл киши бўлса унинг меҳнати икки қарра таҳсинга сазовордир. Суҳбатдошимиз Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи тадбиркор аёл Сайёра Эргашева ҳам ана шундай машаққатли ва масъулиятли касби ортидан халқимизнинг ҳурмати, эътирофига сазоворликдан масрур яшаб, меҳнат қилаётган қурувчилардан.

– Сайёра опа, қурувчилик мураккаб касб. Асосан, ўғил болалар болаликда ушбу касбни эгаллашман, дея орзу қиладилар. Ҳўш, жажжи Сайёранинг дилда қурувчиликка бўлган ҳавас қачон уйғонган?

– Бегубор болалигим ҳамманики каби саргузаштларга, шўх-шодон дамларга, бир олам орзуларга тўла бўлди. Ёшлигим Тошкент вилоятининг сўлим Бўстонлик туманидаги мафтункор тоғлар бағрида ўтган. Отам қишлоқдаги машур ва фидойи инсон, Тошпўлат муаллим сифатида эътибор қозонганди. Мен оилада бешинчи фарзанд эдим. Биласизми, болаликда инсон орзулар уммонига фарқ бўларкан. Қиз бола эмасманми, ҳаётда ўқиган эртақларимнинг гўзал қаҳрамонларига айланиб яшагим келарди.

Мени кўпинча баланд-баланд бинолар эътиборимни жалб қилар, осмон қадар бўй чўзган иморатлардан олам кафтдек намоён бўлади, деб ўйлардим болаларча тасаввур билан. Кўп дугоналарим қўшиқ куйлаб, рақс тушишга, тўртликлар ёзиб, айтишувлар айтишга қизиққан бўлсалар, мен эса қўлимга қалам тутдимми, дарровда турли иморатларни, ҳар хил шакллардаги бинолар ва уларнинг атрофида яшаётган бахтли инсонларни тасвирлашга ҳаракат қилардим. Ота-онамга катта бўлсам, ҳудди шундай ўйлар қураман, деб кўп такрорлардим. Ўрта мактабни битиргач, 1982 йилда аввалги Тошкент политехника институтининг Саноат ва фуқаро қурилиши факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Институтда назарий билимларни олиш билан биргаликда Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўта чидамли металллар комбинатида ишга кириб, меҳнат фаолиятимни бошладим. Тажрибали мутахассислардан қурувчилик касбининг сир-синоатларини кунт билан ўрганганимда вақт ўтган сайин бу касб қанчалар мураккаб эканини янада теран ҳис қилиб, унинг ноини еийш учун «темирдан тиш керак»лигини англаб етавердим.

– Қаранг, орадан қарийиб 35 йил ўтиб, 2013 йилда эса болалигингиздаги орзуларингиз амалга ошди, тўғрими?

– Ҳа, тўғри айтдингиз. Болаликдаги орзулар инсонни умр бўйи интилишга, эзгу мақсадлар сари ҳаракат қилишга чорлаб туравераркан. Шу маънода орадан 30 йил ўтгач, «Тошпўлат строй инвест» масъулияти чекланган жамиятига раҳбар бўлганим мен учун катта бахт бўлди. Менга ўша кезларда Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган Қўшқўрғон қишлоғида намунали лойиҳалар асосида уй-жойларни қуриш вазифаси топширилди. Буни қарангки, фидойи ва меҳнаткаш ишчилар бригадасидан таркиб топган жамоамизнинг саъй-ҳаракатлари билан бошланган қурилиш ишлари 6 ойда муваффақиятли якунига етказилди.

– Бугунги кунда қурилиш соҳасида сифат масаласига қаратилаётган эътибор ва назорат қай даражада?

– Бугун Ўзбекистон улкан бунёдкорликларга гувоҳ бўлмоқда. Шунинг баробарида Тошкент вилояти ҳудудларида, республикамиз вилоятларида ҳам катта қурилиш ишлари амалга оширилиб, қад қўтарайотган иншоотлар халқимиз ихтиёрига топширилмоқда. Бугун қурилиш соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб бориши баробарида тизимда қатъий назоратнинг ўрнатилгани эътиборли. Мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ҳам лабораторияларнинг текширувлари асосида истеъмолга чиқарилаётгани таҳсинга сазовор. Бу эса бунёдкорликларнинг сифатли ва мукамал ташкил этилишига сабаб бўлиши, шубҳасиз. Бизнинг компания «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа ташкилоти томонидан тақдим этилаётган замонавий кўринишдаги лойиҳалар асосида кўркам биноларнинг барпо этилишига ҳисса қўшиб келмоқда. Айтмоқчиманки, бугун шаффоф қурилиш асосидаги ишлар қатъий назоратга олинган. Бу эса тизимда меҳнат қилаётган хоҳ у қурувчи бўлсин, ё сувовчи, меъмор, муҳандис ҳар бир ходим олдида катта масъулият юклаб, ўз касбига сидқидилдан ёндошишни талаб этади.

– Фаолиятингиз давомида қандай биноларнинг қад кўтарилишига ҳисса қўшдингиз?

– «Тошпўлат строй инвест» МЧЖ 2017 йилда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида 20 та 2 қаватли коттеж ва Янгийўл шаҳар ИИБ профилактика инспекторлари учун 1 та хизмат уйи қуриб, ўз эгаларига топширди. 2018 йилда Чирчиқ шаҳрининг Амир Темур кўчасида ҳарбий хизматчилар учун 5 қаватли 30 хонадондан иборат турар жой биноси ва Чирчиқ шаҳар ИИБ профилактика инспекторлари учун 2 та

хизмат уйи қуриб берди. Бу каби эзгу ишлар 2019 йилда ҳам давом этди. Бўстонлик туманида қурилган 10 та коттеж кам таъминланган оилаларга тантанали равишда тақдим этилди. 2019 йилда Бўстонлик туманидаги ҳарбий қисмларнинг бирида штаб ва ўқув бўлими жойлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда 3 қаватли маъмурий бинонинг қурилиш ишлари давом этмоқда. Барпо этилаётган мазкур объектда қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Объектдаги қурилиш ишларига бугунги кунда улкан техника ва ускуналар, шунингдек, 50 га яқин қурувчи-монтажчи ходимлар ҳамда 60 га яқин шартнома асосидаги ишчилар мавсумий меҳнатга жалб этилган. Қарийиб 10 ой давомида олиб борилган қурилиш ишлари бугунги кунда деярли якунланиб, ҳозирда ички пардозлаш жараёнлари давом эттирилмоқда. Объект мамлакатимизнинг мустақиллик байрами арафасида соҳа ходимларига тақдим этилади.

Булардан ташқари, 2019 йилнинг сентябрь ойида Қибрай туманининг «Шалола» массивида қурилиши бошланган 4 қаватли 24 хонадондан иборат бўлган кам таъминланган оилаларга мўлжалланган турар жой биносининг якуний ишлари олиб борилиб, ички пардоз жараёнлари бажарилмоқда. Булардан ташқари, шу кунларда Чирчиқ шаҳрида 3 қаватли «Тадбиркорлик маркази»ни қуриш ишларини амалга ошириш ҳам режалаштирилган.

Умуман, жамиятга раҳбар бўлганимдан буён кўп-кўп иншоотларни барпо этдик. Қурилиш ташкилотимиз 2015 йилда 16 та, 2016 йилда эса 17 та оила учун замонавий кўринишдаги, барча қулайликларга эга бўлган турар жойларни қурдик. Эътиборли жиҳати ушбу биноларнинг қад кўтариши муносабати билан 50 нафар қурувчи доимий, 154 нафар ишчи эса мавсумий иш билан таъминланди. Уларга ойлик маошлари ўз вақтида бериб келинмоқда.

Бугун мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу эзгу ишлар натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Бу жараёнда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз. Янги уйларга кўчиб кираётган хонадон эгаларининг юз-кўзидаги қувончни кўрганимда, қурувчилик касбини танлаганимдан, эл қорига яраб меҳнат қилаётганимдан қувониб кетаман. «Қурувчилик аёлларга хос касб эмас» дея аҳдидан қайтаришга ҳаракат қилганларга касбим ортидан қадар топаётганимни, меҳнатларим билан исботлагим келаверида. Ҳаётда мени тушунадиган қўлаб-қувватлайдиган турмуш ўртоғим, оилам борлигидан қалбда шукроналик ила яшайман.

– Аёл киши нозик бўлишига қарамай у хоҳ оилада бўлсин, хоҳ жамиятда барча масъулиятни ўз зиммасига олади. Бугун аёлларимиз сенатор, депутат, ҳоким, тадбиркор, шифокор, ўқитувчи. Кўйинги, жамиятнинг барча жаҳасида фол, мавлат ва жамият қурилишида ташаббускор раҳбар ходимлардир. Шу маънода сиз ҳам бир фазли оиланинг бекаси, меҳрибон она бўлишингиз баробарида катта бир корхонада раҳбарсиз. Бу сизга қийинчилик туғдирмайди?

– Албатта биз аёлларга айниқса, бугунги глобаллашув даврида осон эмас. Бугун аёллар ҳар соҳада уddaбурон, чаққон, мустақил фикрлаб, тезкор қарор чиқара оладиган ташаббускор ва ҳаракатчан бўлмоқлари зарур. Чунки бу давр тақозоси. Эраклар билан елкама-елка меҳнат қилиб, давлат ва жамият қурилишида, уни одилона бошқаришда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз зарур деб ўйлайман.

Бугунги кунда қурувчилик фаолиятимдан ташқари, Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган «Тадбиркор аёллар маркази»нинг раиси сифатида шаҳарда истиқомат қилувчи хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, оила даромадини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар олиб бормоқдаман. Марказда бандлиги таъминланмаган хотин-қизлар учун қандолатчилик, тикувчилик, сартарошлик йўналишлари бўйича бепул ўқув курслари ташкил этганмиз. Айни вақтда мазкур курсларни 94 нафар хотин-қизлар тугатиб, сертификат олишга муваффақ бўлдилар. Ўқув курсларини тугатгандан сўнг, ўз бизнесларини бошлаш истагини билдирган аёлларга имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам берилди.

Юртимизда меҳнат қилганларнинг қадрини доимо улуғланади. «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли» деган пурмаёно ҳикматга асосланиб хулоса қиладиган бўлсак, Сайёра Эргашева ҳам умри давомида самарали меҳнат қилиб, кишиларнинг оғирини енгил қилишга ёрдам бериб келмоқда. Айниқса, мушкул аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ўз кўмагини, маслаҳатларини бериб, уларнинг жамиятда муносиб ўрин топишларига, тадбиркорлик фаолиятларини бошлаш орқали фаровон ҳаётини ўзлари таъминлашларига чорлаб келади.

Наргиза МИРЁҚУБОВА,  
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИК ЖАМОАСИ



Азиз ҳамкасблар!

Сизларни

Ўзбекистон Республикаси  
қурилиш соҳаси ходимлари кунини


билан самимий қутлаймиз!

Озод ва обод юртимизнинг равнақи йўлида  
қилаётган фидокорона меҳнатингизда  
барчангизга куч-қувват тилаймиз.



## «ISHTIXON TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH» унитар корхонаси жамоаси

Барча қурувчиларни,  
соҳа ходимларини  
касб байрами  
билан табриклаймиз.



## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси



жаннатмонанд диёримизнинг ободлиги  
йўлида меҳнат қилаётган  
бунёдкорларимизни,  
соҳа вакиллари касб байрамлари билан  
самимий табриклайди.



## Йирик комплекс барпо этилмоқда



Наманган шаҳрида  
«MerryMed Farm»  
масъулияти чекланган  
жамияти томонидан  
умумий қиймати  
31 миллион АҚШ  
долларини ташкил  
этадиган йирик комплекс  
барпо этилмоқда.

Лойиҳа асосида шаҳарнинг шимол-ғарбий айланма йўлидаги 6,5 гектар майдонда меҳмонхона, гипермаркет, ресторан, бизнес маркази, 16 қаватли турар жой, замонавий клиника ва болалар боғчаси қурилиши олиб борилмоқда.

2019 йилда қурилиши бошланган мазкур комплекс тула қувват билан фаолият бошласа, 400 га яқин янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Лойиҳанинг биринчи босқичи 2021 йилнинг 3-чорагида ишга туширилиши мўлжалланган.

Суратларда: қурилиш ишларидан лавҳалар.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА)  
олган суратлар.




## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

қурилиш соҳасининг барча ишчи-ҳодимларини  
касб байрамлари билан самимий табриклайди.

Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик,  
амалга ошираётган эзгу ва шарафли  
меҳнатларида куч-қувват,  
янгидан-янги зафарлар тилайди.

Юртимиз ҳамиша тинч,  
меҳнатсевар ва меҳмондўст  
халқимиз доимо омон бўлсин!



Кейинги йилларда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ортиб, қурилиш соҳасидаги ишлар жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Айниқса, пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг кундан кун кўрамлашиб бораётганини кўриб юртимизнинг меъмору қурувчилари, муҳандис ва мутахассислари меҳнатига тасаннолар айтасиз.

Этироф этиш керак, бугун шаҳарсозлик аънаналари замонавийлашган, қурилиш соҳасига жаҳон стандартлари ва инновацион ғоялар, янги ишланмалар, НОУ ХАУлар татбиқ этилиб, буларнинг амалий самарасини шаҳар ичра бунёд этилаётган замонавий ва хавфсиз шаҳарларимиз, осмонпар бинолар, қулай йўл ва кўприклар, маъмурий ва маиший иморатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Осмон билан бўйлашган бинолар, улкан иншоотларнинг мустақкам, замонавий, барча қулайликларга эга бўлишида шубҳасизки, меъморларимизнинг, қурилмалар билан ишловчи конструкторлар, лойиҳа ташкилотлари мутахассисларининг хизмати беқиёс. Ана шундай бунёдкорликлар борасида ўзининг ўрни ва салмоғига эга бўлиб бораётган «Prime Tower group» МЧЖ мутахассисларининг бугунги кунда олиб бораётган эзгу ишларининг салмоғи катта.

2016 йилда ташкил этилган мазкур лойиҳалаш институтининг фаолияти кўп тармоқли. Жумладан, у ҳар қандай турдаги ва кўринишдаги объектлар учун лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, металл конструкцияларни лойиҳалаш, металл конструкциялардан биноларни лойиҳалаш, бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш ва бу бўйича тегишли хулоса бериш, объектларни мустақкамлаш ва реконструкциясини амалга ошириш борасида лойиҳа ҳужжатларини яратиш билан шуғулланади. Ташкилот жамоаси хорижий фирмалар томонидан ишлаб чиқилган дизайн махсулотларининг миллий қонунчилик талабларига мувофиқлигини ўрганади, дизайн ва қурилишда техник назорат, муҳандислик ёрдами, маслаҳатлар ва тезкор техник ёрдам, бошланғич қурилиш баҳоларини жорий нархларда ҳисоблаш ва ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш, қурилиш учун муҳандислик-қидирув ишларини амалга оширади.

Ташкилотда меҳнат қилаётган профессионал, олий маълумотга ва кўп йиллик тажрибага эга соҳа ходимлари, малакали меъморлар, конструкторлар ишлари бўйича мутахассислар томонидан замонавий стандартларга жавоб берадиган турли маъмурий ва маиший бинолар, ижтимоий соҳа объектлари, йирик бизнес марказлари, кўнгилочар масканлар, спорт мажмуалари, турар жойлар, йўл ва йўл ўтказгичлари каби иншоотларнинг мукамал лойиҳаларни яратилмоқда, – дейди ташкилот директор ўринбосари Эскендер Сейтасанов. – Улар AutoDesk Revit, MagiCAD, AutoDesk 3 ds, Max LIRA, Dialux каби янги дастурлар орқали янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Уз фаолияти давомида қонун ҳужжатлари талабларига, тегишли давлат стандартларига мос равишда яратилаётган

лоийҳалар шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўлиқ ҳамоҳанг. Уларнинг барчаси ISO 9001: 2015, ISO 14001: 2015 ва OHSAS 18001 сифат менежменти сертификатлари асосида яратилмоқда. Компания йирик лойиҳалари доирасида шаҳримизда улкан қурилиш объектлари барпо қилиниб, юрдошларимиз ва хорижликларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Жумладан, «Tashkent City» халқаро ишбилармонлик маркази, «Olmazor Business City», 9 қаватли 6 та уйлари ўзида мужассам этган «Беруний» турар жой мажмуаси, «Ашхобод парки», «Миллий боғ», «Уртасарой карантин ҳудуди», «Президент мактаблари», шунингдек, «Янги Чоштепа» турар жой комплекси лойиҳалари айнан бизнинг ташкилот томонидан ишлаб чиқилган.

Маълумки, Президент мактаблари аввал Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, шунингдек, Наманган, Бухоро, Жиззаж, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида, 2021 йилда Андижон, Навоий, Сурхондарё,



## «Prime Tower group» – истиқболли лойиҳалар муаллифи



Сирдарё ва Тошкент вилоятларида қурилиш режалаштирилган. Президент мактабларининг барчаси замонавий услубда, миллий ва жаҳон меъморчилигининг энг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилмоқда.

Сардоба офатидан зарар кўрган фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилашга ҳисса қўшишдек эзгу ишларга ҳамоҳанг равишда замонавий турар жойларни барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар асосида Сирдарёда кўп қаватли турар жойларнинг қурилиш ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

– Юртимиз, хусусан, пойтахтимизда барпо этилаётган турар жойлар кун сайин замонавий кўриниш касб этаётгани эътиборга молик. Биргина «Чоштепа» турар жой мажмуалари қурилиш лойиҳасини амалга ошираётганимизда аҳоли учун барча шарт-шароитлар назардан четда қолмади, – дейди суҳбатдошимиз. – Жумладан, хонадонларнинг ҳар бири алоҳида тоза ичимлик суви, электр энергияси тармоғи, иссиқлик ва табиий газ тизими билан таъминланган. Айтиш мумкинки, бу каби биноларнинг лойиҳаларини яратиш жараёнида биринчи навбатда уларнинг энергиятежамкор бўлишига катта эътибор қаратамиз. «Хавфсиз шаҳар» концепцияси асосида қурилатган турар жой мажмуаларида яшил ҳудудларнинг ташкил этилиши муҳим. Фуқароларимизнинг ўзлари ва фарзандлари учун махсус дам олиш зоналари, кўнгилочар масканлар, спорт майдончалари замонавий қиёфада жойлаштирилмоқда. Хоналарнинг кенглиги ва ёруғлиги, кетма-кетлиги, йўлакларнинг қулайлиги, замонавий лифтларнинг ўрнатилиши барчаси аҳолига фақатгина комфорт шароитларни яратишга замин яратади.

«Hilton» меҳмонхонаси олдидаги фавворани юртимиздаги илк замонавий мусиқали фаввора, деб аташ мумкин. «Tashkent City» халқаро бизнес марказининг 80 гектарлик улкан ҳудудда саккизта иншоот жойлашган бўлиб, улардан Конгресс-Холл, «Hilton» меҳмонхонаси, «Tashkent City Park» Ўзбекистондаги

энг йирик майдонга эга боғ ҳисобланади. 18,6 гектар майдонда 4 500 дан ортиқ турли хил дарахлар экилиб, 15 гектар майдонда сув омбори, мамлакатимиздаги энг катта 200 метр узунликдаги фаввора, шунингдек, Ўзбекистонда биринчи 7D кинотеатри, мум ҳайкаллар музейи ва планетарий мавжуд. 43 000 квадрат метрга эга майдонда 3 500 кишига мўлжалланган Конгресс Холл – конференцзал бўлиб, зарур бўлганда халқаро музокаралар учун икки-тўрт залга бўлиш имконияти мавжуд. Шунингдек, бинодо икки тарафлама учрашувлар учун кабинетлар, ресторан, кичик концерт зали ва дам олиш хоналари ўрин олиши лойиҳада кўрсатиб ўтилган. Меҳмонхона 21 қават ва 258 та номердан иборат бўлиб, унинг 8 та номери президент-люкс хоналаридир, шу

шаҳар мутаносиблигига алоҳида урғу берилган, – дейди суҳбатдошимиз. – Лойиҳага асосан биз ерости автотураргоҳларига эга «А» тоифадаги турар жойлар, болалар боғчаси, халқаро мактаб, СПА марказлар, 181 008 м<sup>2</sup> майдонда савдо маркази, бир нечта кўп функцияли баланд бинолар, кўрғазмалар маркази, 4 та кўп қаватли офис биноларидан иборат молия маркази, эски шаҳар услубида, икки четиға кам қаватли бинолар тушадиган пиёдалар кўчасига эътибор қаратганмиз. Лойиҳанинг юрағида эса нафақат «Tashkent City» ХИМнинг резидентлари, балки пойтахтнинг барча аҳолиси ва меҳмонлари учун очик яшил парк қурилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги архитектура ва шаҳарсозлик салоҳияти ҳисобга олинган ҳолда соҳада илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу жараёнда илғор чет эл тажрибасини ҳаётга татбиқ этиш, замонавий техника ва технологияларни лойиҳалаштириш ва қурилишга жорий этиш борасидаги ишлар эътиборга молик. Турар жойлар, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг замонавий турдаги, шу жумладан, экспериментал лойиҳаларини ишлаб чиқиш борасидаги ишлар ўз самарасини бермоқда.



нингдек, меҳмонхонада бир нечта рестороанлар, бассейн, спорт зали, спа ва хизматлар объектлари мавжуд.

– «Tashkent City» ХИМ нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг энг жозибали иқтисодий-ижтимоий марказларидан бирига айланиши, шубҳасиз. Зеро, бу ерда бўлиб турган ҳар қандай хорижлик меҳмон ўзини эркин ҳис этиши, шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг бетакрор колорити ва кўп асрлик тарихини ҳам туйиши керак. Ўзбекистоннинг шаҳарсозлик аънаналарини ҳисобга олиб, «Tashkent City» ХИМнинг архитектура концепциясида табиат ва замонавий урбанистик ғоялар уйғунлиги, айниқса, тadbirkorлик фаолияти ва яшил

Аҳоли пунктлари ҳудудларини қуришни ривожлантириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, транспорт ва йўл қурилиш объектлари ҳамда комплексларини лойиҳалаштириш, қурилишнинг илғор услубларини, замонавий ва энергия жиҳатдан самарали қурилиш материалларининг турларини лойиҳа ечимларига татбиқ этиш, умуман олганда, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган иншоот ва иморатларнинг лойиҳаларини сифатли яратиш ташкилотнинг асосий мақсадларидан бири.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,  
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Газетанинг навбатдаги сонлари 2020 йил 9 ва 18 август кунлари чиқади.

**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
Ўзбекистон бунёдкори  
Строитель Узбекистана

**Тахрир хайъати:**  
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),  
Козим Тўлаев, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,  
Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов,  
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Тахририят:**  
Бош муҳаррир  
Саҳифаловчи  
Мусахҳиҳ

**Дилшод Жалолов**  
**Акмал Махкамов**  
**Райхон Таниқуллова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,  
«Узсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,  
«ЎзГАШҚЛИТИ» ДУК «УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,  
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,  
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Тахририят манзили:**  
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.  
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),  
71-244-15-13 (қўлиб), 71-244-22-10 (бухгалтерия),  
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).  
**E-mail:** uzbyudokor@mail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**  
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.  
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.  
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бўйртма – Г-853. 2148 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**  
Тошкент шаҳри, «Бўжук Тўрон» кўчаси, 41.  
**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.  
**Навбатчи** – Б. Гулямов.  
ЎзА яқини – 23.30. Топширилди – 01.00.